



1920-йилларнинг ўрталарида кейинчалик Рас Тафари номи билан императорлик тахтига чиққан Эфиопиянинг ёш зодагонларидан Хайле Селассие мамлакатни бирлаштириш ва тахтни эгаллашда ракибларидан ўзиб кетади. Кўпчилик уни мамлакат йўлбошчиси сифатида тан олади. Ракиблар бир нарсга хайрон эдилар: юмшок, беозор, хатто овозини кўтариб гапирмайдиган Селассие қандай қилиб хаммани ўз иродасига бўйсундириб, тахтни эгаллашда қучли кўмондонлардан ўзиб кетди?

1927 йил Селассие ҳарбий кўмондонларни Аддис-Абебага даъват этади, ўзини мамлакат раҳбари деб эълон қилиб, улардан ҳокимиятини тан олиш ва бўйсунтиришларини талаб қилади. Баъзилар саросимага тушиб, айримлар иккиланиб қолишади-ю, лекин охири-оқибат кўпчилик уни тан олади. Фақат Сидамонлик Дежазмах Балча катъият билан Селассиега бўйсунтиришдан бош тортади.

Балча ўзини салоҳиятли лашкарбоши, Селассиени эса ношуд ва тахтга номуносиб деб биладиган такаббур ва тажарба одам эди. У Селассиенинг буйруғини менсимасдан, пойтахтга келмайди ҳам. Бироқ Селассие ўзининг характериға хос юмшоклик, лекин катъий оҳангда Балчага пойтахтга етиб келишни буюради. Балча тахт соҳибига ўзининг қимлигини ва қуч-қудратини кўрсатиб қўйиш, керак бўлса, пойтахтни эгаллаб фуқаролар урушини бошлаб юбориш мақсадида катта қўшин билан келади. Балча ўз қўшинларини пойтахтдан уч мил узоқликдаги Яшил водийга жойлаштириб, қароргоҳида худди қирол қаби Селассие ташрифини қута бошлайди.

Селассие эса чопарлар орқали Балчани саройдаги базм-зиёфатга таклиф қилади. Балча аҳмоқ эмасди. Эфиопиянинг аввалги қироллари базм-зиёфатлардан қопқон сифатида фойдаланганини у яхши биларди. Шу боис базмга тиш-тирноғига қарорланган 600 нафар тан қўрикчиси билан боришини маълум қилади. Балчани хайрон қолдириб Селассие бу таклифни ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилади.

Сарой томон боришаркан, Балча аскарларига қўп шароб ичмасликлари ва доимо сергак туришларини қайта-қайта уқтиради. Саройда уларни Селассиенинг ўзи зўр илтифот билан қарши олади. Селассие ўзини тахтни узиш-қесил эгаллаши учун ҳаммадан қўра Балчанинг қўллаб-қувватлашига муҳтож одамдек тутди. Лекин Балча хушёрликни йўқотмайди ва қуёш ботгунга қадар ўз қароргоҳига қайтмасам, қўшиним пойтахтга ҳужум бошлайди деб, тахт соҳибини оғохлантиради. Селассие ўзини Балчанинг шубҳаларини оғир олгандек қилиб кўрсатади.

Тушлик пайти сардорларни улуглаб қўшиқлар қуйлаш ағъанаси бор эди. Селассие фақат Балчани улуглаб қўшиқ айтишни буюради. Балча ўзидай машҳур ҳарбий кўмондон олдида

Селассие кўриб, титраб-какшаб турибди ва у ҳар томонлама тушкунликка тушган, деб ўйлайди. Селассиенинг беозор рухий ахволи, кўрсатилаётган ҳурмат ва мулозаматларни кўриб, Балча ўзини мамлакатнинг хўжайинидек тута бошлайди.

Кечга якин Балча ва унинг 600 нафёр аскарини мушакбозлик ва олқишлар билан шаҳардан кузатиб қўйишади. Балча орқасига ўгирилиб пойтахтга назар ташлар экан, якин кунлар ичида қўшинлари шаҳарни забт этиб, Селассиени камокка ташлаб ёки ўлдириб, мамлакат раҳбарлигини ўз қўлига олишни режалаштириб бормокда эди. Бирок қўшини турган лагерга қайтган Балча атрофдаги манзарадан хангу-манг бўлиб қолади. Эрталаб минглаб ранго-ранг чодирлар турган лагерда ҳали буткул сўниб улгурмаган уч-тўртта гулханнинг чўгидан бошқа ҳеч вако йўқ эди ва ҳеч зог кўринмасди. Қўшинларни гўё ер ютгандек эди.

Бир гувоҳ бўлган воқеани гапириб беради. Саройда базм-зиёфат давом этаётганда, Селассиенинг қўшини ҳеч ким назорат қилмаган йўл орқали билдирмасдан бостириб келиб, Балчанинг армиясини ўраб олади. Лекин жанг бошламайдилар. Чунки ўқлар овозини эшитиб, Балча қўшинларига ёрдамга етиб келиши мумкин эди. Селассие ўз қўшинини сават-сават олтин-жавохирлар билан қуроллантирган эди. Улар Балча аскарларининг қуролларини сотиб ола бошлайдилар. Шу тариқа қуролсизлантирилган армия аскарлари чўнтақларига олтин кумушни жойлаб бошлари оккан томонга тарқаб кетишади.

Балча қандай мушкул ва таҳликали аҳволга тушиб қолганини сезиб, қуч тўплаш учун 600 аскари билан жануб томонга йўл олиши билан унинг йўлини Селассие қўшинлари тўсиб чиқади. Бу ўша - Балча армиясини қуролсизлантирган қўшин эди. Балча орқага - пойтахтга қайтай деса,

у ерда Селассиенинг асосий қўшини кутиб турарди. Селассие мохир шахматчи сингари Балчанинг ҳамма йўлларини ҳисоб-китоб қилиб, уни мот қилганди. Ўзини юксак истеъдодли лашкарбоши ҳисоблаб юрган Балча умрида биринчи марта қопконга тушганди. У қолган умрини қилган гуноҳлари ва такаббурлиги учун тавба-тазарру қилиб, ибодатхонада ўтказади.

Ўзок ҳукмдорлик даврида Селассиени ҳеч ким охиригача тушуниб етмайди.

Эфиопияликлар қаттиққўл ва хатто бироз вахшийроқ раҳбарни ёктиришарди. Лекин Селассие беозор табиати билан мамлакатга ҳаммадан қўп раҳбарлик қилди. У ҳеч қачон газабига эрк бермас ва жаҳлдан ўзини йўқотиб қўймасди. У рақибларига ҳамла қилишдан олдин ширин табассум, мафтун этувчи мулозамат билан уларни ром этарди. Балча билан бўлган воқеада Селассие рақибининг ожиз томонларини аввал яхшилаб ўрганиб чиққанди. Яъни Балчанинг ўта шубҳага берилган, ҳарбий қўмондон сифатида ўзини баланд олиб, босар-тусарини билмай қолганини яхши биларди. Балча шубҳакорлиги туфайли зиёфатни тузук деб билиб, ўзи билан 600 нафар аскарини бирга олиб келади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам тузук бор эди, аммо бу тузук Балча қутган жойда эмас, мутлақо бошқа ерга қўйилганди. Балчага Г зиёфатга 600 аскарини ўзи билан олиб келишга розилик бериши, зиёфат маҳали Селассие ўзини ожиз ва нотавабон қилиб кўрсатиши, Балчани эса қўқларга қўтариб мактаб, унинг шарафига қўшиқлар янграб, шаҳардан қатта тантана билан кузатиши - барча-барчаси қалин туман пардаси эди. Бу парда пойтахтдан бор-йўғи уч мил нарида, Балча қўшинлари лагерида бўлаётган воқеаларни тўсиб қўйганди.

Доимо ҳаммадан шубҳаланиб юрувчи, тез газабланидиган ва уришқок одамни алдаш жуда осон эканини эсда тутинг.

Аник, тўғри ва зарур жойларнинг туман пардаси билан тўсилиши - жуда кучли қуролдир. Бундан Селассие душманларини бирорта ҳам ўқ узмай тағ-томири билан махв этишда оқилона фойдаланган.

“Селассие хокимиятини менсимасликдан қўркинг. У худди сичкондек билдирмасдан келса-да, ҳамласи худди шерникидек!” (Балчанинг ибодатхонага кета туриб айтган охириги гапи)

"Хокимиятнинг 48 қонуни" китобидан